



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 8-avgust, chorshanba * № 33 (785) * 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.uzhurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

* 3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

* Ўзбекистон Республикаси вакиллари Германия Федератив Республикасининг Бонн шаҳрида ўтказилган халқаро маданият анжуманида иштирок этди. Мазкур маданият байрами жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган 50 минг нафардан зиёд меҳмонни ўз атрофи-га жамлади.

* Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг 2012 йил биринчи ярим йиллик яқунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Федерация кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг тутган ўрни, Халқаро Меҳнат Конференцияси 101-сессияси яқунлари ва бошқа қатор масалалар муҳокама этилди.

* Ўзбекистон Бадий академиясида тасвирий ва амалий санъат йўналишидаги ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган 11 нафар қизнинг ижодий ишларидан иборат «Суратларда Ватаним мадҳи» деб номланган кўргазма ташкил этилди.



«Hurriyat» gazetasi «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Фахрим, фуруримсан — азим Тошкентим!

Яқинда интернет сайтларида дунёдаги яшаш учун энг қўлай шаҳарларнинг рўйхати эълон қилинди. Эътиборлиси, «Economist Intelligence Unit» таҳлил компанияси ва «BuzzData» тадқиқот фирмаси ҳамкорлигида тузилган мазкур рейтинг жадвалида мамлакатимиз пойтахти — азим Тошкент шаҳри ҳам қайд этилди.

Бошкентимиз жаҳоннинг ривожланган 140 та шаҳри орасида 58 ўридан жой эгаллади. Бу кўрсаткич билан пойтахтимиз Марказий Осиёдан ушбу рўйхатга кирган ягона шаҳар бўлгани ҳам диққатга сазовордир.

Очигини айтиш керак, бу хабар барча юртдошларимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди. Шу билан бир-

ЯХШИ СЎЗ ДУНЁНИ НУРГА ТЎЛДИРАДИ

Умр гайрат-шижоат ила меҳнат қилиб, касб-хунарли, оқил фарзандларни вояга етказиб ўзимиз яшайтган замонанинг янада чиройли бўлишига, бизни бағрида ардоқлаётган Ватан равнақиға шу юрт фарзанди сифатида ҳисса қўша олишга берилган имкон эканини қанчалик чуқурроқ ҳис этсак, бошқаларга ҳам шу туйғулари улашамиз.

7-бет

ТИНЧЛИК ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Тинчликка бўлган таҳдидларни ўз вақтида тўғри англаб, таҳлил этиб, оммани хабардор қилиш, айниқса, ёшларга тўғри тушунча бериш барчамизнинг, таълим-тарбия ва тарғибот мутасаддилари — ОАВ вакилларининг муҳим вазифаси эканлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

5-бет

ЯНГИЕРДА ИҚТИСОДИЙ ФОРУМ

ТАДБИРКОРЛАРГА
КЎМАК БЕРДИ

Аҳоли ўртасида аниқ бизнес режага эга, бироқ бошланғич сармоёга муҳтож кишилар йўқ эмас. Мутасаддилар иштирокидаги мана шундай иқтисодий форумлар эса энг аввало уларнинг ўз бизнесини бошлашига, оиласи фаровонлиғига ҳисса қўшади.

3-бет

Ёш журналистлар медиа-оромгоҳи

Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги «Умид гулшани» сиҳатгоҳида «Навқирон журналистлар» медиа-оромгоҳи ўз ишини бошлади.



«Мустақкам оила йили» Давлат дастури доирасида ўтказилётган мазкур тадбир Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Журналистлар ижодий уюшмаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодав-

лат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Конрад Аденауэр жамғармаси, ЕХХТ ва ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари

сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, фаолияти самарадорлигини кучайтириш, миллий ахборот маконини изчил раванқ топтириш юзасидан кенг қамровли вазифалар белгилаб берилган.

Соҳанинг ҳуқуқий асослари такомиллашиб, илғор замонавий ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялар жадал жорий этилмоқда. Медиа тузилмаларга кенг имтиёзлар бериш, журналистлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, малака ва маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида таниқли мутахассислар, олим ва экспертлар иштирокида ташкил этилётган ўқув машғулотлари ёш журналистларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

4

ОБУНА — 2012

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
«HURRIYAT» gazetasi — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажарайтган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2012 йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна давом эттирилмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!



«HURRIYAT» GAZETASININ SIZNING DOIMIIY HAMROHINGIZ BULISHIGA INSONAMIZ

Эслашиб ўтамиз: «HURRIYAT» ning yangi indeks — 23

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН



Иқтисодиёт таянчи

Бугунги кунда хусусий тадбиркорлар томонидан «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида ички бозордан ташқари хоригжа ҳам экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми тобора ортиб бормоқда.

— Юртимизда бозор ислохотлари изчил олиб борилаётганлиги натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора ривожланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳафиза Каримова. — Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил

4 апрелдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, айниқса, тадбиркорларнинг иқтисодийдаги ўрни ва нуфузининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

3

Фахрим, фуруримсан — азим Тошкентим!

(Боиланиши 1-бетда.)

Дарқажикат, Истиклол шарофати билан юртимизда инсон кадр-қиммати янада ошди. Унинг яхши яшаши, фаровон турмуш кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, уларнинг ҳаммаси жамият ривожини йўлида хизмат қилмоқда. Юртимизда кечаётган тезкор ва одил ўзгаришларни, ростини айтганда, четдан туриб кузатиш, унга баҳо бериш қийин. Буларнинг барчасини сезиш, ҳис этиш учун инсон ушбу жараёнлар ичида бўлмоғи зарур.

Мен пойтахтимизга иш ё бирор-бир бошқа масала юзасидан келмасам, бошқа пайтлари вақт топа олмайман. Бундан ропла-роса беш йил аввал охириги марта Тошкентда бўлган эдим. Бугун яна Оллоҳнинг назари тушган, азал-азалдан маданият, санъат маркази бўлган азим шаҳардаман. Мен бундан жуда бахтиёрман бўлдим. Чунки қадимий кўлэмаларда, хусусан, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий, Алишер Навоий ва Захириддин Бобур каби кўлаб алломаларимизнинг асарларида Чоч, Шош, Бинкат, Шошкент ва Тошкент номлари билан қаламга олинган ҳамда ўзининг мафтункор табиати, фусункор боғлари, одамларининг ҳеч нарса билан қиёсланмас меҳр-муҳаббати таърифланган ушбу манзилда бўлиш кимни хурсанд қилмайди, шарафлантирмайди дейсиз?

Таъкидлаш ўринлики, ўтган қисқа вақт ичида бу ерда жуда кўп ўзгаришлар бўлибди. Тошкент шаҳрида ажодларимиз қолдирган бой маънавий мерос, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ўзига хос ифодаси бўлган минглаб осори-атиқалар мустақиллик йилларида, таъбир жоиз бўлса, кадр топганини, кўрк очганини айтиш мумкин. Бош шаҳримиз қадимий обидалар ва замонавий иморатлар ҳамоханлигида дунёнинг манамен деган Париж, Лондон, Мадрид, Рим каби гўзал шаҳарлари билан бўйлаша оладиган азим кентга айланди. Бунга биргина пойтахтимизда қад кўтарган Мустақиллик майдонидagi бетакрор иншоотлар ҳам мисол бўла олади.

Мустақиллик ва эзгулик монументини халқимизнинг рўйбга чиққан асрий орзу-умидлари тимсолига менгаш мумкин. Фарзандини бағрига босиб, унга меҳр билан термулиб турган она сиймосида бугунги тинч, осуда ҳаёт, порлоқ келажакка бўлган халқнинг мустаҳкам ишончи намён бўлгандек. Зарҳал ер шаридаги Ўзбекистон харитаси Ватанимизнинг дунёда ўз ўрни, ўз сўзи борлигини намён этади. Эзгулик Аркасининг баланд мармар устунлари Истиклолнинг мустаҳкам пойдевори, куч-қудратини акс эттирса, Арка устида турган оқ лайлақлар пок орзу-умидлар, юрда қарор топган осойишталик ва фаровонлик рамзидир.

Тошкентимизнинг "Пойтахт" бизнес маркази ҳамда яқиндагина қад ростлаган Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона томонига йўлингиз тушганида у ердаги ўзгаришлардан баҳри дилингиз ёришади. Давр ва замон руҳида бунёд этилган мазкур иншоотлар, майдон, кечки пайт нур таратиб турган чироқлар уйғунлигида ажиб бир тароват касб этадики, инсон беихтиёр энтикиб қўяди. Айниқса, улардан сал бериюқда отилиб турган фавворани айтмайсизми? Унинг гўзаллиги, мафтункорлиги шаҳримиз кўрғига кўрк қўшиш билан бирга халқимиз маънавий ҳордиқ чиқарадиган жойга аллақачон айлиниб улгурган.



Аслини олганда, пойтахтимизни фавворалар шаҳри дейиш ҳам мумкин. Бу фикримни бу ерда бир-биридан чиройли фавворалар кўпчилиги билан изоҳлашим мумкин. Шаҳримизнинг одам гавжум гўшаларининг ҳар бирида биринчиси иккинчидан қолишмайдиган бундай инсон яраткилари бор. Уларнинг ҳар бирининг замиридан чуқур теран маъно англаш мумкин. Чунки инсоният азал-азалдан сувга тириклик манбаи сифатида қаради. Бунинг боиси жуда оддий: сув бор ерда дарахт кўкаради, бўғдой унади, сархил полиз маҳсулотлари мевалар мўл-кўл бўлади. Турли ноз-неъматларга зорикмаган элда одамлар ахил, тинч-тову яшайди. Демак, шаҳримиздаги фавворалар юртимиз тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлигининг белгиси.

Ҳали Миллий кутубхонамиз хусусида гап кетганда бир фикрни айтиш ёдимдан кўтарилибди. Тўғриси, бундай маърифат масканини умримда биринчи марта кўришим. Унинг ҳашаматли биносию, китобхоналарга яратиб берилган имкониятлари кишини ҳайратга солади. Ахир, биз талабалик йилларимизда бундай шарт-шароитларга эга эмасдик-да. Бир донга китобни олиш учун соатлаб навбат кутардик. Ҳатто айримларига бир-икки кун аввал буюртма бериб қўйиларди. Топилса хўш-хўш, топилмаса-чи... Хўш, бугун-чи? Китобхоналарга мутолаа қилишларига бир-биридан шинам, озода, ёруғ хоналар ажратилган. Устига-устак, энг сўнгги замонавий технологияларнинг барчаси муҳайё. Интернет дейсизми ё электрон китоб. Фақат ёшларимиз булардан унумли фойдаланишса бас.

Шу ўринда Тошкент дунёдаги энг йирик спорт шаҳарларидан бирига айланиб бораётганини ҳам алоҳида таъкидлагим келади. Агар зимдан назар ташланса, бу азим кентда йирик спорт мажмуалари, стадионлар кўпчилиги эга эмасдик-да. Бир донга китобни олиш учун соатлаб навбат кутардик. Ҳатто айримларига бир-икки кун аввал буюртма бериб қўйиларди. Топилса хўш-хўш, топилмаса-чи... Хўш, бугун-чи? Китобхоналарга мутолаа қилишларига бир-биридан шинам, озода, ёруғ хоналар ажратилган. Устига-устак, энг сўнгги замонавий технологияларнинг барчаси муҳайё. Интернет дейсизми ё электрон китоб. Фақат ёшларимиз булардан унумли фойдаланишса бас.

Кўсқаси, бугун пойтахтимизнинг кундан-кунга очиб бораётган чиройи, салоҳияти нафақат юртдошларимизни, балки жаҳон аҳлининг ҳайратини оширмоқда. Хавасини келтирмоқда. Қувонарлиси, бундай ўзгаришлар изчил давом этмоқда. Шак-шубҳасиз, шаҳримизнинг кўрки-таровати янада юксалаверади.

Жуманазар ҚУРБОНОВ,
Яккабоғ туманидаги 37-урта умумтаълим мактаби директори

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН



МУҲАББАТНИ ЭЪЗОЗЛАГАН ЭЛ

Мамлакатимизда энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Истиклолнинг йигирма бир йиллигини тантанали нишонлашга тайёргарликлар қизгин паллага кирганида биз — бир гуруҳ ижод аҳлига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йўлланмаси билан Қашқадарё воҳасида бўлиб, меҳнаткаш замондошларимиз билан самимий суҳбат қуриш, мустақиллик нашидаларини биргаликда суриш насиб этди.

Темир йўлнинг танобини бир маромда, шитоб билан тортиб бораётган поездимиз бизга пешвоз чиққан дашту далаларга ўзининг соғинчу армонларга қоришқ бўлган сирли куйини тортиқ этиб бормоқда. Гўё у куйинг сеҳридан борлиқ бахраманд бўлиб ўзгача тус олаётгандай. Ҳамроҳим, адабиётшунос олим Аҳмадбек Алимбековнинг фикри зикрини бугун адабиёт майдонидан оти илдамлашиб бораётган ёш шоир ва ёзувчиларнинг ижодий, адабий муҳит ҳақида кўпроқ баҳсу мунозара юритиш масалалари камраб олган.

Мен эса кўз олдимдан кино тасмасидек ўтиб бораётган, болалик йилларимни ўғирлаган соҳир далалардан кўнглимни узоқлашган.

Муҳтарам Юртбошимизнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласидаги фикрлар шуридан ўтади:

«Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас, Худо берган истеъдоддир. Бу касб, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта, у ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш. Ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.»

Чиндан ҳам ижодкор давр марказида, эл орасида катта ҳаёт мактабини ўтамоғи керак. Тупроқнинг тафтини ҳис этмаган хонанишин ижодкор юрт ҳақида бирор оғиз илиқ сўз ёза олармикан?

Бинобарин, юрт қиёсини далаларда ёниб юрган элнинг юрагидан излаган маъқул.

Қашқадарёлик таниқли шоиримиз Ҳол Муҳаммад Ҳасаннинг:

Беш кун кўрмасан бўлмас — хумори бор, бу юртинг,

Ғаним сўзи қор қилмас — тумори бор, бу юртинг...

— деган сатрлари ёдга тушади.

Дарвоқе, бугун бўлиб ўтадиган учрашувлар дастуридан шоирнинг «Сулвлардан сулувсан» деб номланган шеърий тўплами тақдирот маросими ҳам ўрин олган.

Далаларнинг соғинчу хумори хотираларини парчалаб, тупроқ тафтини юрагимга қоради. Қашқадарёнинг бепеён дашту далаларида кунни кеча бош эгиб турган бўлиқ бўғдой-зорларнинг бошоқлари янчилиб, улкан хирмонлар бунёд этилганию ҳосилдан бўшаган ерларнинг шудгор қилиниб, кўксини офтобга тоблашларига беҳисоб ҳикмат ёғилиб турганини англаймиз. Бу йил галла мўл бўлди. Қашқадарёликлар 145000 гектар сувли ҳамда 55000 гектар лалми ердан мўл-кўл ҳосил олишди. Суғориладиган ерлардан 45-60 центнергача, лалмидан эса 15-22 центнергача ҳосил кўтарилди. Воҳа галлакорларининг уйган хирмони 407000 тоннадан ошиб кетди.

Мустақиллик шарофати билан юртимизнинг энг чеكка қишлоқларда ҳам Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ аҳли учун қурилаётган янги лойиҳадаги уй-жойларни кўриб дилмиз яйради. Бепеён кенгликларда барпо этилаётган бу шаҳарчалар кўзимизга тўтиб бўлиб кўринди.

Йўл аjoyиб, мўъжизаларни тўхфа этади. Бир қарасанг, адоғсиз бўғдой-зорлар, бир қарасанг, бўлиқ пахтазор ақлинг олади. Истиклолнинг ястаниб ётган гўзал Қарши шаҳри эса гўё Истиклол нашидасидан завқ олиб, ўзининг соҳир қўшиқларини куйлашга шайланаётгандек.

Ижодий учрашувларимиз дастурда белгиланганидек шоир Ҳол Муҳаммад Ҳасаннинг салмоқлигина шеърий тўплами тақдирот маросими билан бошланди. Ўзбекистон Қарамони, Халқ шоири Абдулла Орипов шеърий шайдоларига шоирнинг ижодий маҳорати ҳақида ўзининг теран фикрларини изҳор этаркан, Қашқадарё воҳасининг захматкаш халқига миннатдорлик билдириб, бу азим диёрдан не-не улуғ авлиёлар ўтганини хотирлади. Бу гўшанинг

Истиклол шарофати билан гуллаб-яшнаётгани унинг тадбиркор, билимдон, зукко одамлари ўз олдларига кўйилган масъулиятли вазифаларни аъло даражада бажариб келаятганлари ҳақида алоҳида тўхталди. Мухлисларга ўзининг «Аргувон» шеърини армуғон этган ардоқли шоиримизни мухлислар гулдурас қарсақлар билан олқишладилар. Шундан сўнг тадбирда иштирок этган таниқли олим, журналист ёзувчи ва шоирлардан Аҳмадбек Алимбеков, Мурод Абдуллаев, Муҳаммад Очил, Исмойл Тўхтамишев, Али Ниёз, Амир Худойберди, Ҳроз Хайдар каби ижодкорлар замондош шоир ижоди ҳақида дил истакларини билдирдилар. Анжуманда Ҳол Муҳаммад Ҳасан шеърларига басталанган куй-қўшиқлар янгради...

Азалдан ошиқлар макони бўлган бу табаррук тупроқда Мустаҳкам оила йили муносабати билан қуриб фойдаланишга топшириш учун шайлаб кўйилган беҳисоб иморатларга бир кун оқушлар каби кенг қулоқ ёзиб келин-куёвларнинг қувончу шодликларга тўлиб кириб келишига тилакдор бўлдик. Айниқса, Қарши туманидаги, Хонобод қишлоғида янги лойиҳада қад ростлаётган муҳташам бинолар кўрки, салобати билан бизни ўзига махлиё этди.

Ижодий гуруҳимизга етакчилик қилаётган шоир Исмойл Тўхтамишев ва ҳажвчи Муҳаммад Очил ўзлари туғилиб ўсган тупроқнинг хору хасини ҳам кўздан қочирмай, таърифлаб беришдан толмадилар.

Биз Юртбошимиз ташаббуси билан Тоҳир ва Зухра сиймоси бунёд этилган «Севишганлар хиёбони»да сайр қилиб, дунёда пок муҳаббат ҳеч қачон унутилмаслигига амин бўлдик. Гўё бу сўлим гўшада ўтмишини кўз олдимизда жонлантирган суратлар билан сирлашдик. Бу тупроқда Ёзи ва Зебо билан боғлиқ маълумотлар эътиборимизни тортиди. Муҳаббатни эъзозлаган элнинг эзгулик йўлида олиб бораётган ишлари ҳайратимизни оширди.

Ўзбекистон ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ҳодимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашига боғлиқ қорхона ва ташкилотларга қарашли болалар оромгоҳларида ёзги дам олиш мавсумини ташкиллаштириш кенг йўлга қўйилибди, мутасаддилар йил бошида вилоят бўйича 15720 нафар ўғил-қизларимизни соғломлаштириш режалантирилганлиги ҳақида гапириб бердилар. Айни дамда «Шўртан газ кимё» мажмуасига қарашли «Лочин» болалар оромгоҳида 4 навбатда 4000

нафар, «Хисоролди НГКЭ унитар шўба қорхонасига қарашли «Ёш алангачи» болалар оромгоҳида 2800 нафар, «Қашқадарёнефтьгазсаноатқурилиши» ОХКга қарашли «Бинокор» оромгоҳида 1400 нафар, «Шўртангаз» унитар шўба қорхонасига қарашли «Шўртан қалдирғочи» болалар оромгоҳида 1500 нафар, «Талимаржон» ИЭС унитар қорхонасига қарашли «Соҳибқирон» болалар оромгоҳида 1400 нафар бола ўз вақтларини хуррамлик билан ўтказаятганидан қувондик.

Яккабоғ туманида жойлашган Муборак газни қайта ишлаш заводи тасаруфидаги «Ниҳол» болалар дам олиш масканида бўлганимизда бу оромгоҳда 1400 нафар бола навбати билан дам олаётганига гувоҳ бўлиб, юртимизда келажақ авлод саломатлиги йўлидаги сазой-харақатлар рисоладагидек бораётганидан кўнглимиз тўлди. Болалар учун оромгоҳда барча шарт-шароитлар яратилган.

Улар билан ўтказилган тадбирда адабиётшунос олим Аҳмадбек Алимбеков юртимизда юз бераётган катта ўзгаришлар, ёшларга берилаётган алоҳида эътибор ҳақида тўхталди. Таниқли шоир Исмойл Тўхтамишевнинг шеърлари болаларга кўтаринки руҳ бағишлади. Хушовоз хонанда Абдураззоқ Исоқовнинг «Сен баҳорни соғинмадингми?» қўшиғи янграганда беихтиёр биз, катта ёшларнинг рўшнолик кўрмаган болалигимиз ёдга тушди. Эрта баҳордан кеч кузгача далаларда дилдираб юрган пайтларимизни эсладик...

Бугун болаларимиз учун яратилган шохона шарт-шароитларга, уларнинг или олишлари учун бунёд этилаётган муҳташам маърифат масканларига ҳавас қилдик, ёш авлоднинг келажак ёрқинлигини қалбдан туюб, гурурандик. Хуллас, вилоятнинг қай бир гўшасида бўлмайдик, бизга пешвоз чиққан пайкаллари янглиғ бағрикенг одамларнинг юзиде балкиб турган қувончдан чинакамга илҳомландик. Бепеён далалар қўйнида бўлиб, гулу шона, бўлиқ қўсақларга бурканган пахта майдонларини кўздан кечирдик. Шу ўринда узоқ йиллар давомида ҳосилот бўлиб ишлаган давримда тўплаган тажрибаларим панд бермаса, бу йил Қашқадарёда пахта ҳосили ҳар қачонгидан мўл бўлишини тахмин қилдим. Негаки, гўза қатор оралирига ишлов бериш ишлари вилоятда кўнглидагидек йўлга қўйилган эди. Зеро, ўз она тупроғини севиб унга меҳр қўйган элнинг қўли доим баланд келади.

АХТАМҚУЛИ

«Истеъмолчи ҳуқуқи — ҳамиша ҳимояда»

ТАДБИР

Тошкент вилоятининг «Оқтош» санаторийида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Санатор-курортлар бошқармаси билан ҳамкорликда тадбир бўлиб ўтди. «Истеъмолчи ҳуқуқи — ҳамиша ҳимояда» деб номланган ушбу тадбирда дам олувчилар билан бир қаторда ушбу масканда фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ҳам қатнашди.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ташкил қилинган мазкур тадбирда мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўз борди. Хусусан, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа қонуности ҳужжатлари, уларнинг ижроси бўйича Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Феде-

рацияси ва унинг худудий тузилмалари томонидан олиб борилаётган ишлар, аҳолидан тушаётган муносабатлар ва уларнинг ечим ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Ҳар бир фуқаро истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларини билиши жуда муҳим, — деди «Оқтош» санаторийи МЧЖ директори Ҳасанбой Тўлаев. — Бу борда кўп йиллардан бери Бўстонлик тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти билан ҳамкорликда фаолият юритиб келаятганимиз ижобий

самара бермоқда. Даволанувчиларимизнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқларининг таъминла-нишига алоҳида эътибор қаратяп-миз. Чунки асосий мақсадимиз сийхаттоҳимизга ташриф буюрув-чиларга юқори даражада тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.

Тадбир сўнггида санаторий дам олувчилари соғлиқни сақлаш, маънавий хизмат, коммунал ва савдо-сотик соҳалари, электр энергияси ва газ таъминоти бўйича ўзлари-ни қизиқтирган саволларга мута-хассислардан жавоб олдлар. Умида МАНСУРОВА

ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК

ЯНГИЕРДА ИҚТИСОДИЙ ФОРУМ ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАК БЕРДИ

“Маҳаллаларда оила иқтисодийтини мустаҳкамлаш ва бандликни таъминлаш — ижтимоий ҳимоянинг муҳим йўналиши” мавзuidaги мазкур форумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика Марказий банки, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, “Микрокредитбанк” ОАТБ масъул мутасаддилари ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари, кам таъминланган ва ёш оилалар вакиллари, ўз мустақил иши, оилавий тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлган фуқаролар иштирок этди.

Оилавий тадбиркорлик ҳалқимиз менталитетига хос аъёнлардан ҳисобланади. Зотан, азалдан кулполчилик, новвойлик, қандолатпазлик, заргарлик, зардўзлик каби қатор касб-хунар соҳиблари бутун оила аъзолари биргаллашиб иш қилишган. Қолаверса, ушбу касб-хунарлар авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келган. Мана мустақиллигимиз шарофати билан ушбу аъёнлар янада мукамал тарзда рўйбга чиқмоқда. Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликнинг барча турларига кенг имкониятлар очиб берилганлиги боис, кейинги йилларда иқтисодийта оилавий тадбиркорликнинг салмоқи янада ортди.

Айтиш кераки, ўтган йили ўз ишини бошлашни хоҳлаган кам таъминланган, иқтисодий фаол аҳоли вакиллари, жисмоний имконияти чекланганлар, аёллар, ёшлар, хусусан касб-хунар коллежи битирувчилари иштирокида ўтказилган мазкур форумда 30 та

лойиҳа эгасига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилган эди. Улар айни кунда олган кредитлари ёрдамида хизмат кўрсатиш ва сервис, чорвачилик, паррандачилик, мева-сабзавот етиштириш ҳамда бошқа соҳаларда алақачон ўзларининг тадбиркорлик ишларини йўлга қўйиб олишди. Бунинг натижасида 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Албатта, бунда



“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унга кўра, оила ўз ишлаб чиқариш фаолиятини ўзи яшаб турган жойида олиб бориши ҳамда маҳсулотни шу жойнинг ўзида сотиши, шунингдек, корхона устав фондиди энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлмаган миқдорда мустақил белгилаши мумкин.

Аҳоли ўртасида аниқ бизнес режага эга, бироқ бошланғич сармоёга муҳтож кишилар йўқ эмас. Мутасаддилар иштирокидаги мана шундай иқтисодий форумлар эса энг аввало уларнинг ўз бизнес режасига, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшади. Шунингдек, жойларда янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Анжуманда сўзга чиққанлар ана шу мавзуларга алоҳида тўхтадилар.

Иштирокчилар тижорат банкларининг оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва микроолиявий хизматлар кўрсатишдаги ҳуқуқий

асослар, оилавий бизнес, хунармандчилик ҳамда касаначилик фаолиятини ривожлантиришдаги мавжуд имтиёзлар борасида йиғилганларга керакли маълумот ва тушунчаларни беришди. Тадбир бошланишидан аввал фаолнинг ва депутатлар томонидан Марказий банк ҳамда бошқа тижорат банклари кўмагида 30 нафардан зиёд фуқароларнинг бизнес режалари ўрганилди. Улардан истиқболли, деб топилган ўн тасига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Ушбу имкониятни қўлга киритганимдан хурсандман, — дейди меҳнатободлик яқка тадбиркор Мунаввар Ибрагимова. — Тикувчиман. Ишимни янада ривожлантириш учун бизнес режа тузган эдим. “Қишлоққурилишбанк”нинг 3 миллион сўмлик имтиёзли кредити орқали бизнесимни кенгайтириш имкони туғилди.

Анжуман давомида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 16 та корхона ўзининг 98 та бўш иш ўрни билан қатнашди. 90 нафарга яқин ёшлар иш билан таъминланди.

Шу кун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Кўчма жамоатчилик қабулхонасида фуқароларни қабул қилиб, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб беришди.

Тадбир сўнггида “Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази” лойиҳаси вилоят bosқичи гоилиблари аниқланди. Фолибларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совгалари топширилди.

Дилдора ЭСОНОВА



ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

(Бошланғич 1-бета)

Ҳап шундаки, мазкур ҳужжатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига назорат қилувчи органларнинг асоссиз аралашмаслиги, кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатида олинган пайтда бошлаб уч йил мобайнида режали солиқ текширувларида ўтказилмаслиги белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, бундай қулайлик ва имтиёзлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақига жиддий туртки бермоқда. Соҳанинг мамлакат ялли ички маҳсулотидеги улуши 54 фоизга, иш билан банд аҳолининг эса 74 фоиздан орттиги унинг ҳиссасига тўғри келаятгани фикримиз далилидир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз умумий ишлаб чиқариш тармоғида энгил саноат салмоқли ўринни эгаллаб келган. Азал-азалдан юртимиз хунармандлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар, айниқса, йиғилган ип ва газлавлар Буюк ипак йўли орқали дунёнинг қўллаб сарҳадларига етиб бориб, юртимиз довуғини оламга таратган.

Истиқлол йилларида мамлакатда энгил саноатни ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодийта тузилмаси тубдан ўзгарди. Бугунги кунда энгил саноатимизнинг асосий улуши ип-газлама, ипак, тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани «Чақар» маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган R.F. «Fartuna

tex» масъулияти чекланган жамияти ана шундай кенжа корхоналар бири саналади. Ўтган йили иш бошлаган корхона қисқа фурсатда сифатли маҳсулотлари билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топди.

— Айни пайтда фирмамиз 75 фоиз қувват билан ишлаб япти, — дейди корхона раҳбари Фахриддин Ёдгоров. — Буюртма асосида ишлаб чиқарилаётган турли ассортиментдаги кийим-кечақлар асосан Россияга экспорт қилиняпти. Биргина ўтган йили 300 миң АҚШ доллари миқдоридеги маҳсулотларимиз экспорт қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

Тадбиркор таъкидлаганидек, корхонада рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда. Айни пайтда корхонада юз нафардан зиёд ишчи меҳнат қилапти.

— Йиғинимиз ҳудудида жойлашган «Fartuna tex» корхонаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатганимиз маҳалламиз аҳолиси, айниқса, ёшларни иш билан таъминлашда қўл келаяпти, — дейди «Чақар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сайёра Мухаммедова. — Сир эмас, айни кунда коллеж битирувчиларининг ўқиб давомида касб эгаллиши, иш билан таъминлиши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Бу йил юртимизда 516 миң нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлаш экан. Қўйнидан тўқилса — кўнжига деганларидек, ҳозир-

да мазкур корхонада маҳалламиз ёшларидан 25 нафари ишлаяпти. Уларнинг аксарияти коллежларни тамомлаган ёшлар. Бундан маҳалла аҳли ҳам, ёшлар ҳам мамнун.

— Ўтган йили республика расомлик коллежини тугатган эдим, — дейди корхона ходими Саломат Раҳмонова. — Ўқиб давомида шу ерга келиб амалиёт ўтадим. Бугунги кунда коллежда олган билимларим ва корхона мутахассисларидан ўрганган кўникмаларим иш фаолиятимда қўл келмоқда.

R.F. «Fartuna tex» МЧК фаолияти билан танишиб, қайтар эканмиз, корхона эшигини олдида тизилиб турган автобусларни кўриб ажабландим. Буни пайқанга ишбилармон “Ходимларимизнинг иш вақти тугаб қолди. Уларни уйларида етказиб қўйиш мақсадида автобус хизматидан фойдаланамиз”, деди.

Ватанимизнинг буюк келажакини, ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини кўриш — юртимизда яшаётган ҳар бир инсон орзуси. Кимдир бу йўлда тиним билмай, ўз бизнес режаси асосида яқка тадбиркор сифатида фаолият юритса, яна кимдир йирик корхоналар очиб, аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилади. Натижада ҳам ўзининг, ҳам бировларнинг рўзғори тўқислигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшади. Ана шундай хайрли ишга қўл уриб, юртимиз иқтисодийтаининг таянч кучи — ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорнинг келгусидаги ишларига омад тиладик.

Толибжон НИЗОМОВ

Кичик бизнес субъектлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги нотариал идора биносини мукамал таъмирлаш.

Муддати — 01.12. 2012 й.

Бошланғич нархи — 150 230 829 сўм ҚҚС билан; — 125 192 357 сўм ҚҚСсиз.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Фарғона вилояти Адлия бошқармаси.

Манзил: Фарғона шаҳри М. Қосимов кўчаси, 149-уй. Тел: 8(373) 224-46-33.

Қурилиш ишлари: Фарғона вилояти Адлия бошқармасининг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақами маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдосида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (заҳираладаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уй, телефон/факс: 224-18-71.

Танлов ҳужжатларини бир тўламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиб куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси 43-уйда ўтказилади.

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлари 2004 йил 20 декабрдаги “Телерадиошунтириш соҳасида радиочастота спектрини самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиошунтириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида битта теле ҳамда Андижон вилоятида битта радиочастоталар бўйича келиб тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва голиблар аниқланди.

Шунингдек, Комиссия томонидан теледестурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Мурожама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шarti билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи (ҚҚС билан)	Буюртмачи бошланғич нархи (ҚҚСсиз)	Қурилиш муддати
Лот-1	Лот 1-3: Самарқанд шаҳридаги Ҳамид Олимжон номи маҳалла маркази биноси қурилиши	209 911 365 сўм	174 926 138 сўм	3,5 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳри Даҳбед кўчасидаги «Янги Хайробод» маҳалла маркази биноси қурилиши	109 925 897 сўм	91 604 914 сўм	3 ой
Лот-3	Оқдарё туманидаги «Даҳбед» маҳалла маркази биноси қурилиши	209 998 365 сўм	174 998 638 сўм	3,5 ой

Қурилиш ишлари «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. Телефон: (8366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлагани тажрибасига, кўникмала-

рига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатига эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бери-

ладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Телефон: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўламининг қиймати — 80 000 (саксон миң) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10-00да ўтказилади.

МУЛОҲАЗА

Телевидение қандай "тарбия" лайди?

Кейинги кунларда кўпгина хоржий телеканалларда тажовузкорлик, зўравонлик сахналарини ўзида мужассам этган телешоулар, кўрсатувлар, фильмлар кенг ўрин олаётганини кўрамыз. Статистик маълумотлар мунтазам шундай телеканалларни томоша қилувчи бола ўрта мактабни битириш ёшигача тахминан 8 мингта қотиллик, 100 мингтага яқин зўравонлик, жиноят, тажовуз, беҳаёлик, таҳдидга асосланган сахналарни кўришини тасдиқлайди. Албатта, «бундай сахналар инсоннинг хотира кўзгусидан беиз ўчиб кетарми-кан?» деган саволнинг туғилиши табиий.

Катталар ва болаларнинг маълумотларни анализ-синтез (таҳлил) қилиш қобилиятлари таққосланса, кичкиналарда бундай қобилият анча сустлигини кўрамыз. Бунинг сабаби, болаларда ҳали етарли интеллектуал салоҳият, тажриба шаклланмаган. Энг ёмони, ҳар қандай салбий ҳодиса гўдакнинг онгига мўҳим ўрнашиб қолади ва у маълумот бир кун амалда юзага чиқishi мўҳаррар. Дунё таниган психологлар Л.Эрон ва Р.Хосманларнинг кузатувлари шуни кўрсатадики, телевизорда ахлоқсиз ёхуд та-

жовузкорона руҳдаги сахналарни мунтазам кўриб борган болалар орасида 8 ёшга бориб майда тартибузарликлар, безориликлар кўп учрайди. 13 ёшли бундай болаларда эса ҳеч иккиланмай жиноятга қўл уриш қобилияти пайдо бўлади. Шунингдек, 19, 30, 40, 50 ёшларида ҳам жиноятчиликка йўналган ички турткилар авж олиб, тажовузкорлик, ахлоқсизликка ўта мойиллик вужудга келиши мўҳим.

1993 йилда АҚШ Психологлар ассоциацияси қуйидаги хулосага келган: зўравонлик ва тажовузкорликка асосланган телесахналар жа-

миёда турли тартибузарликлар, босқинчилик, зўравонликни авж олдиради. Бола ва ўсмир ёшдагиларнинг ўз ёшларига номуносив тарзда асабий бўлиши, ўзаро келиб чиқадиган турли мижозларни тажовузкорона йўл билан ҳал этишга интилиш, шафқатсизликка нисбатан бетараф муносабатнинг шаклланиши каби салбий ҳолатлар ҳам антисоциал (ижтимоий зарарли) сахналарга бой телешоу, кўрсатув ва фильмларни мунтазам томоша қилиш оқибатидир. Айтиш жоизки, 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг физиологик, интеллектуал ва психологик ривожланишида номуносивлик юзага келишининг асосий сабабларидан бири ҳам бевосита антисоциал телесахналарни мунтазам кўриш билан боғлиқдир.

Телевиденининг инсон ахлоқи, жамиятда ўзини тутишига таъсири атрофлича ўрганиб чиқилаётганда унинг ижобий жиҳатларини ҳам назардан четда қолдирмаслик зарур. Нега десангиз, тинчлик, тотувлик, ҳамжихатлик, бағрикенглик, ватанпарварлик, умуман проциал (ижтимоий йўналган) руҳдаги телестурлар, бадий фильмлар инсонларни жамиятга, ўзаро

бир-бирига нисбатан меҳр-оқибатли бўлишга чақиради. Айниқса, миллий телеканалларимизнинг ушбу йўналишда олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовор. Чунки ҳозирда улар орқали кўпгина маънавий-маърифий, тарбиявий, миллийликни тарғиб этувчи телестурларни кўришимиз мўҳим. Бу, ўз навбатида, ёшларнинг маънавияти, хулқ-ахлоқи, қолаверса, тарбиясига ижобий таъсир этиб, уларнинг комил инсон бўлиб етишишида мўҳим роль ўйнайди.

Бола тарбияси билан шуғулланишга вақт йўқлиги ёки тажрибасизликданми, сўнги пайтларда кўп ота-оналар телевизордан фарзандлари учун "энага" ёки "тарбиячи" сифатида фойдаланаётганликлари сир эмас. Бундай оқибатларга олиб келишини биз юқоридаги мисолларда кўриб чиқдик. Тўғри, бугунги глобаллашув шароитида болани бутунлай телевизордан чекаб қўйиб бўлмайди, лекин тарбияни тўлиқ унга ишониб қўйиш ҳам мақбул йўл эмас. Шунинг учун фарзанд тарбияси билан кўпроқ индивидуал шуғулланишга ҳаракат қилиш зарур. Болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминлаш учун уларда адабиёт ва санъатга қизиқиш уйғотиш, спортга жалб этиш анча фойдали натижаларни беради. Шундагина биз келажак авлод баркамол тарбияланишига ва волега етишишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ақобир АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент ислом университети талабаси

ХУСУСИЙ МАТБУОТ ВА ЗАМОН

"Янги газета"нинг истиқболлари

Юртимизда турли кўнгилочар газеталар кўпайиб борапти. Уларнинг ҳаммаси ҳақида илиқ фикр билдириш қийин. Аммо улар орасида бирмунча яхши савияга эга бўлганлари ҳам бор.

Биз фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган "Янги газета" ўз сўзи ва йўлини излаётган навқирон нашрлар сирасига киради. Тажрибали журналист Салоҳиддин Исомиддинов ташкил қилган ушбу газета — маънавий-маърифий ва ахборот нашри бўлиб, у 2007 йилдан бошлаб Китоб туманида чоп этиб келинмоқда.



"Янги газета"нинг ҳам биринчи саҳифасидан одатга кўра мамлакатимиз ва хорижда рўй берган мўҳим воқеалар ўрин олган. Ички саҳифаларида эса тарих, адабиёт, маънавият, маърифат, спортга оид материаллар жойлаштирилади. Шунингдек, газетада дам олиш саҳифалар ташкил этилган бўлиб, уларда турли кўнгули воқеалар, ҳажвия, латифа ва бошқотирмалар бериб борилади.

Газетанинг асосини кўҳна тарихимиз, қадриятларимизнинг мўҳим қирралари, инсон кадр-қиммати, ажойиб урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳақидаги материаллар ташкил этади. Газетанинг ички саҳифаларида туман, вилоят, шунингдек, республикамиздаги қадимий ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар ҳақидаги мазмунли мақолалар, уларнинг тарихи, улар билан боғлиқ қизиқarli ривоятлар бериб борилади.

Шулар баробарида, газета саҳифаларида республикамиз, шунингдек, жаҳон маданияти ва санъатига муносиб ҳисса қўшиб келаётган таниқли хонанда, театр, кино актёрларининг ҳаёти, ижоди, маҳорат қирраларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги материаллар суратлари билан босилади. Газетада мамлака-

тимиз шон-шарафини дунёга машҳур қилаётган таниқли спортчиларимиз билан қизиқarli суҳбатлар ҳам уюштирилади. Шунингдек, маънавият, маданият, маърифатимизнинг туб илдиллари, айни вақтларда омма орасида ана шу мўҳим қадриятларни кенг тарғиб қилишда ўзининг беҳисл ҳиссасини қўшиб келаятган ажойиб инсонлар ҳақидаги лавҳа, очеркларга ҳам газета саҳифаларидан кенг ўрин бериб келинапти.

Ундан чет эллик адиблар ижодидан қилинган таржималар ҳамда юртимизнинг ёш ижодкорларининг шеър, ҳикоя, ҳажвиялари ҳам ўрин олган.

"Янги ҳаёт" газетаси бошланишида Китоб тумани худудидagina тарқатилар эди. Ҳозир эса газетанинг ҳар бир янги сони Қашқадарё вилоятининг барча туманлари, қолаверса, қўшни Сурхондарё вилоятига ҳам етиб борапти. Тахририят мутасаддиларининг йш тутуми шуниси билан эътиборлики, унинг Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ва республикамизнинг бошқа худудларида ўз ва жамоатчи муҳбирлари мавжуд. Улар ўзларининг қизиқarli мақолалари билан мунтазам қатнашиб туради.

"Янги ҳаёт" дастлаб 500-700 нусхада чоп этилган бўлса, айни кунларда унинг

адади икки мингтага етиб қолди. Газета илгари 4 саҳифада босилган бўлса, айни вақтда у А3 форматда, 16 саҳифада, рангли кўринишда чоп этиляпти.

Шуниси диққатга моликки, газета тахририятига ўқувчилардан доимо турли мавзулардаги хатлар келиб туради. Аксарият хатларда муштариоларнинг газета фаолияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклифлари, тавсиялари, кейинги сонларда яна қандай мавзуларда мақолалар беришлари лозимлиги ҳақидаги илтимослари ўз аксини топади. Мўҳими, тахририят ва унинг ўқувчилари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Шу ўринда айрим жузъий камчиликларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Хусусан, биринчи саҳифадан бошлаб шоу-бизнес вакилларининг суратларини жойлаштириш, саҳифаларнинг катта қисмини уларнинг ҳаётини ёритишга бағишлаш, сарик матбуотга хос бўлган «Онаси ўлмаган йигит» каби турли олди-қочди ҳикояю киссаларни беравериш зиёли муштариоларнинг гашини келтиради. Қолаверса, ора-сира учраётган орфографик ҳамда стилистик хатолар ҳам барта-раф этилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси



Ёш журналистлар медиа-оромгоҳи

(Бошланғич 1-бета)

"Мустаҳкам оила — жамият таянчи" мавзусида ўтказилаётган мазкур медиа-оромгоҳда "Форум-ТВ", УЭНТТ телеканаллари, ёшлар телестудиялари, Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ахборот марказлари, худудий телестанциялар раҳбарлари, журналистлар ва техник ходимлар, реклама менежерлари, дизайнерлар, нодавлат радиостанцияларнинг бош муҳаррирлари иштирок этмоқда.

Ун кун давом этадиган медиа-оромгоҳ машғулотларида иштирокчилар ахборот соҳасига оид миллий қонунчиликни атрофлича ўрганадилар. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашга оид телерадио-материалларни жамоатчиликка чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишга оид вазифалар белгилаб олинади. Айни пайтда юртимизнинг тажрибали журналистлари, ҳуқуқшунос ва олимлари, маънавият тарғиб-ботчилари ҳамда Франция, Германия, Ҳиндистон сингари давлатларнинг экспертлари иштирокида ташкил этиладиган ўқув-семинарлар давомида илгор техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш, телерадиомаҳсулотларнинг зарур стандартлари каби долзарб масалалар батафсил муҳокама этилади.

Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табриқда журналистларнинг ўз фаолиятига чуқур танқидий-таҳлилий асосда ёндашуви, касбий




малака ва маҳоратини ошириб бориш йўлида тинимсиз изланиш зарурлиги алоҳида таъкидланган, — дейди Сурхондарё вилояти "Ишонч-ТВ" телеканали муҳбири Элёр Гурўглиев. — Мазкур семинар машғулотлари давомида ўзига хос ижодий ёндашув, чуқур таҳлилий асосдаги материалларни тайёрлашга доир тажрибалар билан танишяпмиз. Назарий ва амалий билимимизни мустаҳкамляпмиз.

Машғулотларда иштирокчилар Тошкент вилояти Қибрай туманида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига тайёр-гарлик, оилаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган ишларга оид туркум материаллар тайёрлайди. Анжуман доирасида турли маданий-маърифий дастурлар, концертлар, спорт мусобақалари ҳам ўтказилади.

Назюкат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири
Отабек МИРСОАТОВ
(ЎЗА) олган суратлар

"Оммавий маданият" шундай қуролки, жиндек эътиборсиз бўлсак, у ҳеч қандай овоз чиқармасдан, ҳеч кимга билдирмасдан, пинҳона равишда миллий ғояларимизни йўқ қилишга уринади, ёшларимизнинг тарбиясини буткул издан чиқаради, тилимиз ва динимизни таназзул сари етаклайди. Бундан ташқари, меҳр-оқибат, инсонийликка путур етказиши.



аср — ахборот асрида "оммавий маданият" хавфи тобора

ортиб бормоқда. Телевидение, радио, оммавий нашрлар ҳамда интернет тармоқлари унинг янада тезроқ тарқалиши ва оммавийлашувига хизмат қилмоқда. Хусусан, телевидение орқали намойиш этиладиган турли мамлакатларнинг сериал ҳамда фильмларидаги ғайриахлоқий ғоялар, оддий ёзув дафтари муқовасидаги ёт ғояларни тарғиб этувчи суратлар ёшларнинг онгига ўз салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

"Оммавий маданият" фаришта кўринишидаги шайтон сингари одамларни ўзига жалб қилиб, жарлик томон етаклайди. Кўпчилик ёшлар "оммавий маданият" тўғрисида етарли маълумот-



Фаришта кўринишидаги "шайтон"



га эга бўлмайди, сабаби у "қоса тагидаги ним қоса" тарзида ҳаётимизга пинҳона кириб келади. Ҳозир интернет кафелар ҳар қадамда учрайди. У ерга таширф буюрган киши мактаб ёшидаги болаларнинг зўравонлик ҳамда ваҳшийликни тарғиб этувчи турли хил компьютер ўйин-

ларини ўйнаётганликларининг гувоҳи бўлиши мўҳим. Бу каби ўйинлар ёшлар руҳиятига таъсир этиб, уларда тажовузкорликнинг ошишига хизмат қилаётганлигини психолог олимлар кўп бора таъкидлашмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ёшларни "хўрозқанд чет элники" деса ётиб олиб ялайдиган кайфиятдан чиқариш, европача, америкача кийиниш, еб-ичиш, яшашига ҳаракат қилаётганларга бутун жаҳонга кўз-кўз қилсак арзийдиган тарихимиз билан фахрланиш ва ундан ҳолисона сабоқ чиқариб, ўзгиримизни чин маънода англаш давр талаби эканлигини етказиш асосий бурчимиз ҳисобланади.

Ғавсиддин ҲАМИД ўғли,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

«Иқбол пешонамга битган ошиёним»

Устоз-мураббийларимиздан мустақилликка эришишдан олдин халқимиз бошига қаттиқ мусибатлар тушгани, ҳаёт кечириб нақадар мураккаб бўлгани ҳақида кўп эшитганмиз. Бизнинг тенгдошлар истиқлолдан сўнг дунёга келди.

Худога шуқурки, очлик, нотинчлик каби тушунчалар биз учун бегона. «Зангори экран» орқали ҳар кун дунёда кечаётган урушлар, хунрезликларни томоша қилиб, уларни мамлакатимизда кечаётган осудалик, бунёдкорлик ишлари билан таққослаймиз, кундан-кунга ўзгариб бораётган шахримиз кўчалари, замонавий иншоотларни кўриб шуқрона келтираимиз.

Халқимиз бундай нурафшон кунларни узоқ кутган. Бугун кексаларимиз, биз — ёшларга ҳавас билан қарашганида, қўллари дуога очиб, тинчлик барқарор бўлишини дуо қилганларида бизнинг кўнглимиз ҳам ширин энтикади.

Биз — XXI аср ёшларининг ниятимиз битта — юртимиз баҳор фаслидек кўркамлашиб бораверсин. Ватанимизнинг 21 йиллик тўйи барчамизга муборак бўлсин. Севимли шoirимиз ёзганидек:

Юртим,
Сени яна олдим қаламга
Тўйиң, шодийнаң баҳона бўлиб.
Яна келиб кўндиңг тонги мисрамга
Фалак нисор этган дурдона бўлиб.
Иқбол пешонамга битган ошйёним —
Ўзбекистоним.

Хуридабону УМАРХОНОВА,
"Бунёдкор" ёшлар телеклуби аъзоси


Инсон токи қалам тутишни ўрганмас экан, ақлсизлик билан разиллик, бемаъни шафқатсизликни туғдираверади.

В. ПОГО.

ДАРАКЛАР

ЁШ КЎРИНИШ СИРИ

Нидерландиялик олимлар Тео Геверс ва Али Салох инсон юзидаги ҳолат орқали унинг ёшини аниқлайдиган компьютер дастури яратилди. Улар шу билан бирга одам ёш кўриниши учун нима қилиши керак, деган саволга ҳам жавоб топишди.



Тадқиқотларда қатнашган 8 ёшдан 76 ёшгача бўлган 500 га яқин кишининг жаҳл, қайғу, хайрат ва кўркүв, шунингдек, жилмайиб турган ҳолатлари видеотасмага туширилди. Компьютер жилмайиб турган кишиларнинг ёшини камда 6-7 ёшга яқинлаштириб кўрсатди. Шу боис, олимлар ёш кўриниши учун тез-тез жилмайиб туришни тавсия қилишмоқда.

МЕТРО БЕКАТИДА АНТИҚА ХИЗМАТ ТУРИ

Хитой пойтахтидаги метро бекатларида одам гавжум вақтда йўловчиларнинг оёқ кийимлари йўқолиши ҳолатлари тез-тез учраб туради. Шунинг билан одамлар метрополитен ходимлари тикилишда оёқ кийимини йўқотиб қўйган йўловчилар учун ижарага бепул шиппаклар таклиф қилишяпти.




Ҳозир оёқ кийимларини йўқотган йўловчиларга метрополитеннинг 182 та бекатида пушти, сариқ ва кўк рангли резина шиппаклар ижарага берилмоқда. Бу оёқ кийимлари эвазига ҳеч қандай гаров сўралмайди, фақат йўловчилар шиппакларни имкон туғилиши биланоқ метрополитенга қайтаришса бўлгани.

33 ЙИЛЛИК ЧИПТА ИШ БЕРДИ

АҚШдаги Род-Айленд штатининг 10 нафар фуқаросига 33 йил муқаддам харид қилинган чипта билан Буюк Британиянинг "The Who" гуруҳи концертига киришга рухсат берилди. Бу ҳақда "Providence Journal newspaper" нашри хабар берди.

Чипта эгалари аслида 1979 йили "The Who" шоу дастури томошабинларига айланишлари керак эди, аммо гуруҳнинг Цинцинати шаҳридаги чиқишлари чоғида содир бўлган бахтсиз воқеа туфайли концерт беқор қилинди. Ушанда мухлислар ўртасида юзага келган тўқнашувлар натижасида 11 киши ҳалок бўлган.



Шунга қарамай, гуруҳнинг энг ашаддий мухлислари чипталарни йиллар мобайнида сақлаб келган ва эндиликда чипталарни келаси йилнинг январь ойида Провиденс шаҳрида ўтадиган мусиқачиларнинг навбатдаги шоу дастурига кириш учун янгисига алмаштириб олиш мумкин. Концерт ташкилотчиси 33 йиллик чипталарни кимосида савдосига қўйишни режалаштирмоқда.

ЖУРНАЛ ТЕКИН ТАРҚАТИЛАДИ

"The Guardian" газетасининг маълум қилишича, Лондоннинг "Time Out" номли кўнгилочар журнали сентябрь ойидан бошлаб текин тарқатилади. Боз устига, журнал адади 55 мингдан 300 минггача ортади.



Маълум бўлишича, 2007-2011 йиллар мобайнида нашрнинг адади сезиларли даражада қисқарган ва эндиликда журнал саҳифаларида чоп этиладиган реклама материаллари учун тўлов миқдорининг оширилиши ҳисобига унинг бепул тарқатилиши режалаштирилмоқда.

Нашр мутасаддиларининг айтишича, журналнинг бепул тарқатилишига аҳоли ўртасида унга бўлган қизиқишнинг сулалашши эмас, балки шу йўл билан интернет фойдаланувчиларини яна вақтли матбуотга қизиқтириш режаси сабаб бўлмоқда.

ТИЛЛА БЕЗАКЛИ УЙМОҚ

Дубайлик қандолатчилар дунёдаги энг қimmatли буюкни тайёрлашди. Бир порцияси минг долларга баҳоланган "Golden Phoenix" ширинлигини тайёрлаш учун энг сара маҳсулотлардан фойдаланилди. Италиянинг олий навли шоколади, ун, ваниль меваси ва мойи шулар жумласидандир.



Этиборлиси шундаки, кексанинг устки қисмига безак сифатида 23 каратли олтин қоримасидан ишлатилган. Бош ошпаз Юсуф Алининг фикрича, ушбу ширинликни татиб кўриш учун маблағ сарфлашга тайёр кишилар кўплаб топилади. Шу боис, айти пайтда бундай ширинликларни Европа бўйлаб сотиш режалаштирилмоқда.

Дарвоқе, буюртмачи ширинликни истеъмол қилиши учун тилла қошиқ, ичимлик ичиши учун эса тилла пивладан фойдаланади.

Тинчлик осмондан тушмайди

Дунёга ҳукмронлик қилган ўзаро қарама-қарши икки мафкуравий тузум рақобати барҳам топганига қарийб чорак аср бўлмоқда. Аммо дунё хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи хатарлар ортса ортиб бормоқдаки, камайгани йўқ. Афсус ва надоматлар бўлсинки, XX асрнинг ўзидики иккита жаҳон уруши ва уларнинг даҳшатли оқибатларини бошдан кечирган инсоният гарчи Ер юзидики тинчликнинг барқарор бўлиши йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилган бўлса-да, ҳамон умумий тинчликка эриша олмаётимиз.

Айни пайтда тинчликни таъминлаш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжудлигини, барқарор ҳаётни издан чиқаришга қаратилган янги шакл ва мазмундаги таҳдидларнинг пайдо бўлаётганини эътироф этиш зарур. Беғуноҳ инсонлар қонининг тўкилиши, этник гуруҳлар ҳуқуқларининг поймол бўлиши, террорчилик ҳужумларининг тобора кенг миқёс ва кўлаб касб этаётгани, ҳарбий куч-қудратни ўстиришга қаратилган ҳаракатларнинг давом этаётгани ҳам шундай ҳулоса чиқаришга асос бўлади.

Таъкидлаш керакки, уруш ва низолабга барҳам бериш орқали тинчлик таъминланади. Афсуски, турли қарама-қаршилик ва зиддиятларни келтириб чиқариш ва шу йўл билан ўз мақсадларига эришишни кўзлайдиган кучлар борлигини унутмаслик керак. Ана шундай "тинчлик кушандалари" бор экан, сунъий равишда низоли вазиятларни вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар ҳам тўхтамайди. Бу сайёрамиздаги ҳар бир кишидан доимо оғоҳлик ва ҳушёрликни, содир бўлаётган ҳодисаларга зийрак кўз ва теран нигоҳ билан қарашни талаб этади.

Этибор беринг: ҳисоб-китобларга кўра, Ер юзидики 15 мингдан ортиқ катта-кичик урушлар бўлиб ўтган. Уларнинг сони XVI асрдан 106 та, XVII асрдан 231 та, XVIII асрдан 703 та бўлган.

Инсониятни тинчлик ва хотиржамликни асраб-авайлаш, қадрлашга ундайдиган кўплаб факт, рақам ва далиллар мавжудлигига қарамай, мутахассисларнинг ҳисоблашларича, 2011 йилда дунё бўйича ҳарбий харажатлар 2008 йилдагига нисбатан 5 фоизга ўсиб, 1,5 триллион долларга яқинлашган. Умуман олганда, сўнгги ўн йилликда дунё бўйича ҳарбий харажатларнинг ўсиш динамикаси 45 фоизга етган.

Кўра, дунёдаги ҳарбий харажатлар сайёрамиздаги барча мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 2,5 фоизини ташкил этади. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 173 доллардан тўғри келади, дегани. Ушбу рақамлар бежиз тилга олинаётгани йўқ. Бугунги кунда жаҳонда 35 дан ортиқ кўролли можаҳо ҳудуди мавжуд. Ҳарбий харажатларнинг ўсиб бориши уларнинг барқарорлашувига хизмат қилмайди, аксинча, оловли нукталарнинг кўпайишига олиб келади, ҳолос.

Юқорида келтирилган факт ва рақамлар бир томондан, урушларнинг олдини олиш ва тинчликни таъминлаш муаммоси ҳали-ҳамон инсоният олдига турган бирламчи вазифа эканидан далолат берса, иккинчи томондан, мавжуд зиддият, тушунувчанликларнинг ҳарбий воситалар орқали эмас, балки музокара, келишув,



бундан 5 фоизга ўсиб, 1,5 триллион долларга яқинлашган. Умуман олганда, сўнгги ўн йилликда дунё бўйича ҳарбий харажатларнинг ўсиш динамикаси 45 фоизга етган.

Кўроллар миқдорини кўпайтириш ўта хавфли йўндир, — дейди Стокгольмдаги Тинчлик муаммоларини тадқиқ қилиш халқаро институти эксперти Симон Веземан. — Деворга осилган милтиқ бир кун келиб отилиши муқаррар бўлганидек, у ёки бу давлат қачондир ўз ихтиёридаги совуқ кўролни кимгадир қарши қўлаши турган гап.

Маълумотларга кўра, дунёдаги ҳарбий харажатлар сайёрамиздаги барча мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 2,5 фоизини ташкил этади. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, 173 доллардан тўғри келади, дегани. Ушбу рақамлар бежиз тилга олинаётгани йўқ. Бугунги кунда жаҳонда 35 дан ортиқ кўролли можаҳо ҳудуди мавжуд. Ҳарбий харажатларнинг ўсиб бориши уларнинг барқарорлашувига хизмат қилмайди, аксинча, оловли нукталарнинг кўпайишига олиб келади, ҳолос.

Юқорида келтирилган факт ва рақамлар бир томондан, урушларнинг олдини олиш ва тинчликни таъминлаш муаммоси ҳали-ҳамон инсоният олдига турган бирламчи вазифа эканидан далолат берса, иккинчи томондан, мавжуд зиддият, тушунувчанликларнинг ҳарбий воситалар орқали эмас, балки музокара, келишув,

хавфли бало-қазо томирота бошлаганини англашимиз қийин эмас. Бундай хавф-хатарга бепарво бўлиш эса оғир оқибатларга олиб келиши аниқ. Тинчликка бўлган таҳдидларни ўз вақтида тўғри англаб, тахлил этиб, оммани хабардор қилиш, айниқса, ёшларга тўғри тушунча бериш барчамизнинг, таълимтарбия ва тарғибот мутасаддилари — ОАВ вакилларининг муҳим вазифаси эканигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Юртбошимизнинг Хотира майдонидики чуқур тахлилий фикрлари ҳаммамиз учун оғоҳликка, ҳушёрликка даъват, тинчлик ва оқилона қарор қабул қилишга қадриқиммати тўғрисида мукамал сабоқ бўлди. Минтақа ва дунёдаги вазиятнинг мураккаблигига қарамай, давлатимизнинг оқилона ички ва ташқи сиёсати ҳамда халқимизнинг кучли иродаси туфайли мамлакатимизда тинч-осуда ҳаёт барпо этилгани мавжуд муаммоларни тўғри англаб, бағрикенглик билан иш тугилаётганининг самараси, албатта.

Кунги кеча мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилингани ушбу фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда қуйи палата муҳокамасига киритилган

мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсат юритиши, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслиги ва ҳар қандай давлатларга тузилган аниқ. Тинчликка бўлган таҳдидларни ўз вақтида тўғри англаб, тахлил этиб, оммани хабардор қилиш, айниқса, ёшларга тўғри тушунча бериш барчамизнинг, таълимтарбия ва тарғибот мутасаддилари — ОАВ вакилларининг муҳим вазифаси эканигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Юртбошимизнинг Хотира майдонидики чуқур тахлилий фикрлари ҳаммамиз учун оғоҳликка, ҳушёрликка даъват, тинчлик ва оқилона қарор қабул қилишга қадриқиммати тўғрисида мукамал сабоқ бўлди. Минтақа ва дунёдаги вазиятнинг мураккаблигига қарамай, давлатимизнинг оқилона ички ва ташқи сиёсати ҳамда халқимизнинг кучли иродаси туфайли мамлакатимизда тинч-осуда ҳаёт барпо этилгани мавжуд муаммоларни тўғри англаб, бағрикенглик билан иш тугилаётганининг самараси, албатта.


Кунги кеча мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилингани ушбу фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Давлатимиз раҳбари томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда қуйи палата муҳокамасига киритилган

зид тузар жойларни вайрон этган. 212 минг киши бошпанасиз қолган. Мамлакатнинг Пхенан-Намдо, Пхенан-Пукто, Хамгён ҳамда Чагандо ҳудудлари энг катта зарар кўрган. Бу ердаги 65 минг гектарли маккажўҳори, бугдой ва шולי экилган майдонлар мутлақо яроқсиз ахволга келган. КХДР кўмир саноати ҳам тошқиндан улкан зарар кўрган.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади. Вниманию руководителей организаций и предприятий! В объявлении о конкурсных торгах Управление капитального строительства и ремонта МЧС Республики Узбекистан, опубликованном в №61 газеты «Туркистон» от 28 июля 2012 года текст: "иметь лицензию в области строительства по ремонтно-строительным и ремонтно-монтажным работам на оборонных объектах, выданную в установленном порядке" аннулируется.

ТАНА АЪЗОЛАРИ САВДОСИ

Чет эл ОАВларининг хабар беришича, Хитойда инсон органлари савдоси билан шуғулланганликда гумон қилинаётган 140 киши қамоққа олинган. Мамлакатнинг «Синьхуа» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, полиция жиноятчилар томонидан юзлаб кишиларнинг тана органлари ноқонуний тарзда трансплантация қилинганини аниқлаган.



Расмий маълумотларга кўра, айни дамда Хитойда 1,5 миллион киши у ёки бу тана аъзосини алмаштиришга эҳтиёж сезади. Аммо мамлакатда йилига 10 мингга яқин тана органларини кўчириб ўтказиш бўйича жарроҳлик амалиёлари амалга оширилади.

БИТТА МАШИНА ХАРИД ҚИЛСАНГИЗ...

«Renault» компаниясининг Испаниядаги востачилари «Laguna» ёки «Espace» русумидаги машинани сотиб олган харидорга электр қуввати билан юрадиган «Twizy» автомобиллини совға қилади. Бу ҳақда «AutoExpress» журнали хабар бермоқда.

Харидорлар бир машина сотиб олар экан, қўшимчасига «Twizy» автомобилининг икки хил кўринишини танлаш имконига эга. Биринчиси тезликни соатига 45 километргача оширишга қодир, 5 от кучига эга автомобиль бўлса, иккинчиси тезликни соатига 80 километргача ошириш мумкин бўлган, 17 от кучига эга машинадир. Ушбу автомобиллар бир марта



қувватлантирилгандан сўнг 100 километр масофани босиб ўтиши мумкин.

Маълум бўлишича, компания акция орқали электр қуввати билан харакатланувчи автомобиллиларга харидорларни жалб этмоқчи.

ДИНОЗАВРЛАР ТИРИЛТИРИЛАДИ

Австралиялик миллионер Клайв Палмер динозаврларни клонлаштириш ниятида. Бунинг учун у Юра даври акс эттирган боғни яратиш мақсадида Брисбен шаҳри яқинидан жуда катта ҳудудни сотиб олди.

Миллионер қачонлардир Долли лақабли машҳур кўзичоқли клонлаштирган олимлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Эндиликда улар сақланган қангван калтакесак ДНКларини ишга солиб, ҳақиқий динозаврларни клонлаштиришмоқчи.

Клайв Палмер шу вақтгача ўзининг ноодатий гоёлари билан анча ном қозонган. У, шунингдек, ҳозир машҳур «Титаник» кемасининг нусхасини яратиш билан машғул.

ТОШКИН 169 КИШИ ХАЁТИГА ЗОМИН БЎЛДИ

Корея Марказий телеграф агентлигининг берган маълумотларига қараганда, КХДРда июль ойининг охирига ҳафтасида содир бўлган тошқин натижасида 169 киши ҳалок бўлган.

Бундан ташқари 144 нафар киши жароҳатлангани, 400 нафари эса бедарак йўқолгани ҳақида тахминлар мавжуд. Кучли сел оқими 50 мингдан



2012 йил - Мустақкам оила йили

Тўғри ва ёруғ йўл

Инсон борки, ҳамиша тўқис бахтга эришишни орзу қилиб яшайди. Бахт эса кўпқиррали тушунча. Ана шу қирраларни бирлаштириб турувчи ўзак оилавий бахт дейилади. Умр дарахтининг илдизи оила бағрида униб-ўсиб, шаклланиб боради. Шу боис, оиласиз, ёлғиз одам илдизсиз дарахтга ўхшайди. Инсон нега ёлғиз қолади? Бунга баъзида ноқобил фарзандларнинг оқибатсизлиги сабаб бўлса, баъзан фарзандсизлик қисмати кишини яккалаб қўяди. Айрим ҳолларда эса... Келинг, ўз вақтида турмуш қурмаслик нималарга олиб келиши хусусида мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Дилфуза Содикова, йигирма етти ёш:

— Асосан эски ховлилардан иборат маҳаллада яшаймиз, иккинчидан, отамнинг ичкиликка берилганини эшитиб, совчилар қайтиб кетишди. Кейин кўшнимизнинг мени суриштирган совчиларни айтиб, ўз қизларига оғдирганига неча бор гувоҳ бўлганмиз. Шундай аёллар ҳам борки, отамнинг камчиликлари-ю, ёшим катталигини юзимга солиб, келин бўлишга розилик беришимни иттида билан сўрашади. Бундайларни ҳар доим рад этаман. Мен гурурим, ор-номусимни назарга илмайдиغانлар билан яшай олмаيمان.

Гулсанам Узоқова, қирк бир ёш:

— Қасбим тақозосига кўра шаҳарда яшашимга тўғри келди. Ота-онамнинг менга уй олиб беришга қурби етмасди, шунинг учун уй-жой қилишни биринчи ўринга қўйдим. Ёш болалари билан ижараларда сарсон бўлиб юрган оилаларни кўриб ачиниб қетардим, бунчи ҳазм қилолмасдим. Қолаверса, қувъ танлашда ўта инжиқ ва талабчанлигим ҳам панд бер-

ди, чамамда. Ҳозирча жимжитлик.

Дилдора Азизова, қирк саккиз ёш:

— Онам эрта оламдан ўтдилар, ука-сингилларим таълим-тарбиясига ўзимни бурчли, деб ўйладим. Уларнинг бари оилани бўлган эса, отамга қараш масъулиятини ҳеч кимга ишонолмадим. Мана, ҳозир турмуш қуришим мумкин, "кандидат" ҳам йўқ эмас, аммо энди хоҳламайман ва тақдирим шундайлигига ачинмайман ҳам. Негаки, ука-сингилларим, келинларим атрофимда парвона. Уларнинг болаларини ўз боламдек кўраман, менга шунинг ўзи етади...

Этибор беринг-а, учала ҳолатда ҳам ўзбек аёлига хос сабр-қаноат, ор-номус, фидойилик, бурчга бўлган масъулият, этиқодга садоқат сингари юксак фазилатлар мужассам. Афсуски, кўпинча келин танлашда сийратига эмас, сиртига қараб баҳо берилади ва тўйдан сўнг аста-секин келиннинг ҳақиқий кифоси, нағдён бўла боради. Аёлидан кўнгли тўлмаган эркак оиласи, бола-чақаси олдидаги масъулиятни уну-

тиб, бошқа жуфт излай бошлайди. Шундай юзага келган жуфтликлардан бирининг фикрини эшитиб кўрамиз.

Нозима Пўлатова, ўттиз саккиз ёш:

— Хўжайиним билан бир жойда ишлаймиз. Унинг оилани эканлигини билардим. Хушомад қила бошлагач, мен ҳам уни ёқтириб қолдим. Иккита қизи борлиги туфайли хотини билан ажрашолмаслигини айтгач, шаръий никоҳ ўқитиб, турмуш қурдик. Хотини беҳабар. Бахтим рўпарамдан чиқиб турганда нега ундан юз ўгириб, ёлғиз эркакни қутушим керак? Мен кўнмаганимда у, албатта, бошқасини топарди, чунки хўжайинимга биринчи хотинига ўхшаган босиқ эмас, мендек шўх-шаддод аёллар ёқилиши жуда яхши биламан.

Бундай мисолларни кўпга келтиришимиз мумкин. Улар орасида хушторини биринчи никоҳдан воз кечишга ундаб, бунга ҳар қандай йўл билан бўлса-да, эришадиганлари қанча. Уша аёлнинг ўрнига ўзини қўйиб кўрганда-ку, қилаётган иши билан бутун бир оиланинг ҳаётини захар-зақумга айлантираётганини фаҳмлаган, ҳис этган бўларди-я. Балки шунда бу бахтсизлик бир кун келиб ўз бошига ҳам тушиб қолишини аналган, парда тугган кўзлари очилармиди.

Яна бир гап. Ўз оиласига хиёнат қилган эркакнинг иккинчи марта шу ишни қилмаслигига: ишониб бўлмайди. Ҳатто «Ҳа, нима бўпти, эркакчиликда», — дея ўзларини оқлаб, қўл силтаб қўйишади. Наҳотки, эркакчилик нафақат ақилларига, балки ўз шаъни, обрў-эътибори, виждонига нисбатан ҳам хиёнат қилишдек энг тубан раҳлат билан белгиланса?! Масалага диний нуқтаи назардан қараб кўрайлик.

Анвар қори Турсунов, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби:

— Оллоҳ "Қуръони карим"да: «Оилангизга меҳрибон бўлиб, яхши муносабатда яшанглар», — деб буюрган. Қолаверса, пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳам айнан шунга таъкидлаганлар ва: «Никоҳ менинг суннатимдир, кимки оила қуришдан юз ўгирса, менинг умматим эмасдир», — деганлар. Оила шарафи, ор-номусини ҳимоя қилиш ҳар бир эркакнинг муқаддас бурчидир.

«Никоҳ» сўзининг шаръий маъноси гувоҳлар иштирокида келинга белгиланган маҳрни бериб, икки тарафнинг розилиги асосида оила қуришни жамиятга эълон қилиш демакдир. Жамиятдан яширинча, гувоҳларсиз қилинган никоҳ сохта ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўшотинлик ва кўпхотинликка руҳсат этилмаган. Қолаверса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан имом-хатибларга ФХДЭ бўлимидан ўтмаганлар учун никоҳ ўқиш қатъиян ман этилган. Ушбу қонунарга риоя этмаслик жиноят эканлигини ҳар бир фуқаро англаб етиши лозим. Нафс кўйига тушиб, шариати ўзларининг хоҳиш-истаклари йўлида восита қилаётганлар билиб қўйсинларки, хиёнат кечирилмас гуноҳлардан биридир.

Сохта шаръий никоҳлар орқали бир неча бор уйланиб, кейин орттирган болаларининг тақдирини ўйламай ташлаб кетаётган кимсаларга ва бундай омонат турмушга осонгина рози бўлаётган қизлар, аёлларга нисбатан тегишли чоралар қўриш вақти аллақачон етиб келган. Негаки, беғараз, эзгулик йўлида қилинаётган ҳеч бир иш яширинча амалга оширилмайди.

Фикримизнинг далили учун Шайхонтоҳур тумани ФХДЭ бўлими мудираси Озода Абдуазизовага мурожаат қилдик:

— Оила кодексига биноан фақат қонуний никоҳларгина тан олинади. Бу шаръий никоҳдаги аёл, унинг болалари ҳеч қандай мерос олиш ҳуқуқига эга эмас, деганлар. Шу оддийгина ҳақиқатни тушуниб олиш айримлар учун, наҳотки, шунчалар қийин бўлса? Ҳеч бўлмаса, туғилажак болалар тақдирини ўзларини жавобгар ҳис қилишмасмикин?

Қонуний никоҳнинг афзаллиги шундаки, бунда келин-куёв ҳар томонлама ҳимояланади. Баъзи ота-оналаримиз фарзандларининг биринчи никоҳи жараёнида ҳам ФХДЭ бўлимидан ўтказмасдан тўй қилиб, шаръий никоҳ билан чекланиб қўяверишади. Табиийки, бундан келин-куёв тиббий кўриқдан ўтмайди. Шундай ҳолларнинг биринчи бўлиб берган аянчли воқеани сўзлаб, одамларни оғоҳликка чақириб лозим, деб ўйлайман.

Ота-оналар фарзандларининг турмуш қуриши ҳақида келишиб олишади. ФХДЭ бўлимига ариза бериш вақтида қувъ: «Мен ўзим ариза ёзиб, ФХДЭга ташлаб қўйдим, сен овора бўлиб юрма», — дейди. Қиз эса ўзи ҳам шаҳсан ариза ёзиши шартлигини ё билмаган, ёки айтишга тортинган. Ота-онаси ҳам бунга эътибор бермагач, тўйдан кейин келин-куёв шаръий никоҳ билан яшайверишади. Бола туғилганидан кейин тез орада қувъ вафот этади. Кейинчалик унинг ОИТС касаллиги билан хасталангани маълум бўлади. Энг ачинарлиси, келин ва боласи ҳам бу касалликни юқтиргани аниқлангач, қайнона она-болани кўнча қувъи солади...

Шайхонтоҳур туманидаги «Ислоҳобод» маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси раиси Маъмура Каримова билан суҳбатлашганимизда, ташвиқот ишларининг намунали услубларда олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик:

— Қизларни турмушга тайёрлаш дастури асосида 186-мактаб жамоаси, шу ҳудуддаги кўп тармоқли марказий поликлиника билан биргаликда иш олиб бораёғимиз. Бундан ташқари, маҳалламизда "Ота-оналар кенгаши", "Онахонлар кенгаши" ёрдамида муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилганимиз боис қўйди-чиқди масалалари ҳам судга чиқиб етиб бормасдан ўзимизда бартараф этилади. Қолаверса, ҳар битта кўчанинг ўзига алоҳида эркак ва аёл вакиллардан иборат кўча бошиларини тайинлаганмиз. Бу ҳам маҳалладаги ҳар битта хонадон соҳибларининг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб туришимиз, лозим бўлганда ҳар хил чоралар қўришимиз учун қўл келяпти. Бундай яқин муноқотимизнинг самараси яна шундаки, кишиларимиз келин ёки қувъ танлашда бизнинг тавсиямизни сўраб келишади. Биз, албатта, қайси хонадоннинг йигит-қизлари бир-бирига мос тушишини ҳар тарафлама ҳисобга олиб, маслаҳат берамиз. Шунинг истадмики, совчилик вазифасидаги вакиллар ўзларини қизиктирган хонадон ҳақида бир-иккитагина кўшнинг фикри билан ҳулоса чиқариб қўявермасдан, суриштирув ишини кенгрок доирада олиб боришлари лозим. Кўпчиликнинг фикри ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

Юриш-туриши, гўзал ахлоқи билан оила қуришга муносиб бўлган ҳеч бир қиз ёки аёл турмушсиз қолиб кетмайди. Балки маълум бир вақт кечикиши мумкин, лекин бир умрга эмас. Бунинг учун, аввало, улардаги хоҳиш ва ишонч сўнмаса бас. Энди турмуш қурмасдан яшаётган катта ёшли қизлар ва аёлларнинг соғлиғига нималар хавф солиши мумкин, деган саволга жавоб излаймиз. Бунга Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника гинекология бўлими бошлиғи

Дилором Абдуғафорова жавоб беради:

— Катта ёшдаги қизлар ва оиласи бузилиб, ёлғиз юрган аёлларнинг жинсий аъзолари киста, миома, турли яллиғла-ниш ва гормонал ўзгаришлар оқибатида келиб чиқадиган касалликларга чалинишга мойил бўлиб қолади. Айниқса, балоғат ёшидан катта ёшга ўтиш даврида жинсий безлар фаолиятининг сўниши анча оғир асоратлар билан кечиши мумкин. Баъзида жинсий алоқага кучли мойиллик сезилиши ҳам кузатилади. Бунга ахлоқий меъёрларнинг бузилиши сифатида қарамаслик лозим. Аксинча, уларга ўз жуфтларини топишга кўмаклашиб, турмуш қуришлариغا йўл очиб бериш зарур. Бошқача шаклда, яъни оила қурмасдан жинсий алоқага палла-партми киришиш тиббиётда ҳам қораланади.

Яна шунини айтиш лозимки, эрта турмушга чиққан қизларнинг кўпчилиги ҳомилдорликни ўз меъёрида кўтара олмайдими ва нимжон бўлиб қолади. Қайнонага касалманд келин, албатта, ёқмайди ва ўғлини иккинчи марта уйлантиришга қиришади. Ана шу сабаб туфайли ҳам кўшотинлик келиб чиқаяпти. Бундан кўринадики, ёшларга мўлжалланган «Ёш оила мактаби»га ота-оналарни ҳам тақлиф этиш керак, деб ўйлайман.

Азиз муҳлис, биз бугун соғлом оила, соғлом турмуш тарзи учун имкон қадар мутахассислар ёрдамида маълумот беришга ҳаракат қилдик. Аввало, ҳар биримиз ўз кўнглимизнинг, ўз ҳаётимизнинг ва қарашларимизнинг мутахассиси бўлайлик. Фақат бир марта берилувчи умримизнинг қай даражада гўзал бўлиши ўз қўлимизда. Ҳар биримизга фақат тўғри ва ёруғ йўл ҳамроҳ бўлсин.

Шаҳзода ҲАКИМОВА, «Hurriyat» мухбири

ОЛАМ КАММОСИ

Одам савдоси — мудҳиш жиноят

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонулар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 13-модда.

Маъмуриятнинг инсонияти ўз тараққиёти давомида турли хавф-хатарларга дуч келган. Афсуски, XXI асрда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини поймол бўлишига сабаб бўлувчи бундай хавф-хатарларнинг тури ва шакли ўзгариб, сони кўпайганининг гувоҳи бўлаёғимиз. Инсоннинг яшаш, эркин бўлиши ва шахсий дахлсизлик каби ҳуқуқларига жиддий раҳна солаётган ана шундай хавф-хатарлардан бири — одам савдосидир.

Қулликка маҳкум этилган аёллар ва болалар сони 30 миллиондан ортиқни ташкил қилган. Ҳар йили дунё миқёсида 700-800 минг нафар болалар ва аёллар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб, улардан жинсий мақсадларда фойдаланилмоқда. Бу ҳолат бутун жаҳон ахлини жиддий хавотирга солмоқда. Чунки трансмиллий жиноятлар турига кирган одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятлар нафақат умумбашариёт тараққиётига, балки миллий тараққиётимизга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказмоқда. Шунинг учун ҳам, бу жиноятга қарши курашиш ҳуқуқ-тарғибот органларинингизга эмас, барчамизнинг вазифамиз, бурчимиздир.

Одам савдосининг асл моҳияти шундаки, уни содир этувчиларни ҳам, ундан жабр кўрувчиларнинг ҳам мақсади битта — осон йўл билан мўмай даромад топишдир. Агар одам сотиш билан шуғулланувчи шахс ўз мақсади-га етишиши учун турли қабих йўللар, яъни катта миқдорда иш ҳақи ваъда қилиб, алдов йўли билан ўз мақсади-га эришса, жабр кўрувчи эса тезда бойиб кетиш мақсадида бу алдовга ишониб, одам савдоси тўрига тушиб қолмоқда.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Хусусан, 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг, 2008 йил 8 июлда "Одам савдоси-


ХУШЁР БЎЛИНГ, АЗИЗ ОДАМЛАР! ЭЙ ИНСОН, СОТИЛИБ, АЛДАНИБ, ЧЕТ ЭЛЛАРДА ЗОРУ САРСОН БЎЛИБ ҚОЛМА! Мурожаат учун телефонлар: 0112-21-21-33, 0112-21-21-33

га қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорининг қабул қилиниши бу борада муҳим босқич бўлди. Қайд этиш лозимки, юртимизда фуқароларнинг хорижда меҳнат қилишини ташкил этишга доир барча ҳуқуқий асослар яратилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳузурида Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташкил этилган, ушбу агентлик фуқароларни хорижга ишга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил қилиш билан шуғулланади. Бу эса, ўз ўрнида, меҳнат қилишга бораётган фуқароларимизнинг муайян давлат ҳудудида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялани-шини, ижтимоий ва тиббий муҳофаза этилишини таъмин-лайди. Бирок, афсуски, амал-га оширилган салмоқли иш-

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Сув ва саломатлик

Бутун қонот сув билан тирик. Шу жумладан, инсонлар ҳам. Айниқса, ёзнинг жазирма кунларида ичимлик сувига бўлган талаб янада ортади. Чанқаганимизда табиимизга қараб газланган ёки ранг қўшилган ичимликларни ичишни хуш кўрамайз. Кимгадир пенци, кола, фанга, бошқаларга эса лимонадлар, қаҳва, шарбат, квас ёқади... Албатта, бозорларимизда бундай ичимликларнинг кўп бўлгани яхши. Аммо, афсуски, уларнинг барчасини ҳам соғлигимиз учун безарар, дея олмаимиз.



Ҳақон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларга кўра, ер юзида бир йилда вафот этаётган кишиларнинг 65 фоизи ичимлик сувига бўлган эҳтиёж туфайли ёруғ оламни тарк этади. Касалликларга чалинаётганларнинг эса 90 фоизини истеъмолга яроқсиз бўлган сувни ичаётганлар ташкил қилади. Кўриниб турибдики, оби ҳаёт ўз номи билан ҳаётимиз бардавомли-гининг асосий манбаидир. Сув ҳатто юракни соғлом

ичиши эса соғлиқни йўқотиш билан баробар. Сабаби, қайнатилмаган сув таркибиде ҳар хил бактерия, гижжа ва замбуруғларнинг личинкалари мавжуд бўлади.

